



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ахмадов Шахрухжон Шухрат ўғли

ИИБ Академияси ўқитувчиси

Узакбергенова Улмекен Кенесбаевна

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11195548>

Маълумки, ҳар бир ҳукукий фаолият, муносабат ҳукукий нормалароркали тартибга солинади. Ҳуқуқ назариясида эса бундай ҳуқуқий тартибга солиш ҳукукий воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, кўриклаш, уларни жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига мувофиқлаштириш ривожлантириш мақсадида мунтазам, норматив таъсир этиш жараёни тушунилади. Ҳукукий тартибга солиш ижтимоий муносабат субъектларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг бажарилишини таъминлайди 8

Жиноятчиликка қарши курашнинг таркибий қисми ҳисобланган жиноятчиликнинг профилактикасини ҳукукий тартибга солишнинг мазмуниаввало, шу фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалдаги қонунҳужжатларига мувофиқ бўлиши шарт.


Криминолог олим Зарипов, Исмаиловлар ушбу фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш икки йўналишда олиб борилиши қайд этганлар 9.

Жумладан:

1) ҳуқуқ нормалари ёрдамида жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларига,

жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги салбий воқеа, ҳодиса ва жараёнларга таъсир қилишоркали уларни қучсизлаштириш, бартараф этиш, уларга тўсиқлар ўрнатиш, криминоген вазиятларни бартараф этиш ҳамда унга қарши шароитлар яратиш;

2) жиноятларнинг профилактик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини ўрнатиш ҳамда аниқ профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни ҳукукий тартибга солиш. Ушбу йўналишлар ўртасида деярли фарқ йўқ бўлиб, улар бир-бири билан узвийдир. Жиноятларнинг профилактика фаолиятига доир ҳукукий нормалар ҳар иккала йўналиш бўйича юзга келадиган муносабатларни тартибга солади.






Ички ишлар органларининг ҳукукбузарликлар профилактикасини Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигининг ҳукукий асосини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳукукий ҳужжатлари ташкил этади. Буларга Ўзбекистон Республикасининг „Норматив-ҳукукий ҳужжатлари тўғрисида“ ги 2012 йил 24 декабрдаги қонунига мувофиқ, уларнинг микёси, юридик кучи ва уларни қабул қилувчи субъектларнинг ваколат доирасига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) Жиноятчиликка қарши қураш, хусусан ҳукукбузарликлар профилактикасига оид халқаро норматив-ҳукукий ҳужжатлар;
- б) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан биргаликда қабул қилган идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- е) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид халқаро шартно-малар ва битимлар ички ишлар органлари, хусусан профилактикаинспекторига: *биринчидан*, жиноятчиликка қарши қураш, *шужумладан* ҳуқуқбузарликлар профилактикасида инсои ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятларни аниқлаш, тўхтатишда ва тергов қилишда томонларнинг ҳамкорлигини мустақамлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир чора-тадбирлар дастури қоидаларини биргаликда амалга оширишда; *учунчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир чора-тадбирлар дастури қоидаларини биргаликда амалга оширишда; *тўртинчидан*, бошқа ҳудудида содир этишга тайёрланаётган жиноятлар ҳамда ахборотлар алмашишда; *бешинчидан*, жиноят содир этган шахслар ёки алоқалорликда гумом қилинаётган жисмоний ва юридик шахсларни ушлашда; *олтинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйичаилғор тажрибаларни ўзаро алмашишда; *еттинчидан*, жиноятчиликка қарши, қураш масалаларига оид қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларни алмашишда хизмат қилмоқда.





Ички ишлар органларининг ҳукукбузарликлар профилактикасини Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билал хамкорлигининг ҳукукий асосларини белгиловчи норматив-ҳукукий ҳужжатлардаўз ифодасини топган. Шундай конун ҳужжатларидан бири Ўзбекистан Республикасининг Конституциясидир¹. Унинг куйидаги нормаларидажиноятларнинг ва улар билан боғлиқ салбий иллатларнинг профилактикаси буйича талаблар белгиланган:

-Ўзбекистонда давлати халқ иродасини ифода этиб, унингманфаатларига хизмат килади, ўз худудида истикомат килувчибарча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъмиилайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар(2, 4-моддалари).

-Давлагг ҳокимияти ўз фаолиятини халқ манфаатларини, иисон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, умуминсоний, ижтимоий адолат ва конунийпринциплар асосида амалга оширади (7-13-моддалар).

- Маҳаллий ҳокимият органлари конунийликни, ҳукукий тартиботни Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

